

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА КОНЧИЛИК САНОАТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

*Навоий давлат педагогика институти (Ўзбекистон)  
Доцент (PhD) Холикулова Шахноза Боймухамматовна  
Магистр Тухтаев Темур Ахтам ўғли*

**Аннотация:** Муаллиф мақолада мустақилликни дастлабки йилларида иқтисодий оғир аҳволда бўлган Республиканинг кончилик саноатининг тикланиши манбалар, адабиётлар ва бирламчи ҳужжатлар асосида ёритилган. Дастлабки, йилларда ҳорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ёзилган.

**Калит сўзлар:** Олтин қазиб олиш, НКМК Шимолий кон бошқармаси, ГМЗ-3, INTEGRA GROUP, АҚШ, Навоий, Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудук шаҳарлари.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Республика ҳукумати саноат ишлаб чиқариши мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда етакчи ўрин тутишини назарда тутиб, илгари иттифоқ ихтиёрида бўлган НКМКни ривожлантиришнинг зарур чора-тадбирларини кўрди. Ишлаб чиқариш имкониятлари кўп йилларга мўлжалланган НКМК давлат корхонасининг минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришни интенсив йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўрилди. Республиканинг иқтисодий қудратини ошириш ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида НКМКнинг имкониятлари кенгайтирилди. Жумладан, тўртта вилоят (Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент)да жойлашган бешта кон НКМК таркибига киритилиб, унинг базасида Навоий, Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудук шаҳарлари, шунингдек “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси ва “Зарафшон қурилиш бошқармаси” вужудга келди. Бу шаҳарлар комбинат балансига ўтказилди ва ўзаро автомобиль ва темир йўллар, электр узатиш линиялари орқали боғланди[1].

1991 йили Навоий кон-металлургия комбинати негизда республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази “Қизилқумнодирметаллолтин” концерни ташкил этилди. 1992 йили Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбеколтин” бирлашмаси негизда Қимматбаҳо металлар давлат қўмитаси тузилди.

1993 йили катта захираси бўлган фосфоритни қайта ишлашга эҳтиёж ошди. Бу масалани ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарорлар қабул қилди.

Мазкур қарор асосида Учқудукдаги учинчи, Зарафшондаги иккинчи гидрометаллургия заводларида иш бошланди. “Фосфоритстрой” Қизилқум қурилиш бошқармаси ташкил этилди. 1994 йили у Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси (“Ўзолмосолтин”) га айлантирилди [2].

НКМКнинг Шимолий кон бошқармаси таркибига кирган Учқудук районининг Кўкпатос ва Довғизтов олтин конлари базасида 1995 йилнинг 14 июнь куни № 3 Гидрометаллургия заводи (ГМЗ-3)нинг биринчи навбати ишга туширилди[4]. Кўкпатос ва Довғизтов конлари рудаларининг етарли даражада оксидланмаганли ҳисобга олиниб, комбинат ва хорижий мутахассислар (INTEGRA GROUP, АҚШ) билан ҳамкорликда аралаш рудаларни саралашнинг оригинал технологияси ишлаб чиқилди. Натижада рудалардан 50 %гача оксидланган маҳсулот ажратиб олиниб, қайта ишлаш учун (биринчи навбатда ГМЗ-3га) жўнатилди[4].

Учқудукда Шимолий кон бошқармаси учун стратегик жиҳатдан зарур бўлган бу корхонанинг ишга туширилиши нисбатан узокда жойлашган Қизилқум региони учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1995 йил сентябрда 230 минг тонна руда қайта ишланиб, режа 121,0 % қилиб бажарилди. Қўрилган чоратадбирлар туфайли уран ва олтин ишлаб чиқариш цикли бўйича комбинат такомиллашган босқичга кўтарилиб, бу ерда конларни қидирув ишлари, руда қазиб олиш ва уни қайта ишлаш орқали бойитиш ҳамда тоза олтин ишлаб чиқариш тизимли йўлга қўйилди. Комбинат таркибига бешта кончилик бошқармаси, йирик қурилиш бошқармаси, машинасозлик заводи, поливинилхлорид трубалари ишлаб чиқариш заводи, мрамор блокларини қайта ишлаш ва силлиқланган плиталарни ишлаб чиқариш заводлари, заргарлик заводи, йиғирув-тўқимачилик фабрикаси, сульфат (олтингутурт) кислотаси заводи ва бошқа саноат ва ёрдамчи объектлар кирди[5].

Шунингдек, ГМК-3да сульфидли маъданларни бактериал оксидлаш усулида қайта ишлаш технологияси муваффақиятли жорий этилди. Марказий кон бошқармасида Олтинни уюмда ишқорлаш цехи ва Мурунгов конида эмульсион портловчи моддалар заводи, Жанубий кон бошқармасида тўртинчи гидрометаллургия заводи, Мурунгов конида қуввати бўйича жаҳонда ягона бўлган Тик-қоя конвейери ишга туширилди[6]. Натижада заводнинг ишлаб чиқариш имконияти кенгайди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди, кўплаб ёш мутахассислар ишга жалб қилинди, уларнинг ўртача ёши 32 ёшни ташкил этади. ГМЗ-3 мустақиллик йилларида олтин қазиб олувчи биринчи завод бўлиб, бу ерда 1500 та янги ишчи ўринлари яратилди[7].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги “Республика олтин қазиб олиш саноатини бошқариш тузилмасини

такимиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан қимматбаҳо металллар қазиб олиш ва уларни қайта ишлаб, мукамаллашган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш циклини шакллантириш, тармоқ корхоналарини реконструкция қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзолмосолтин” уюшмаси тугатилди. Илгари мазкур уюшма таркибида бўлган Зармитан ва Маржонбулоқ олтин конлари 2002 йил май ойида Навоий кон-металлургия комбинати таркибига киритилди[8].

Зармитан олтин конига қарашли бўлган йирик Чормитан конидан руда ер остидан ёпиқ усулда, Маржонбулоқ олтин конидан эса оксидланган руда очик усулда қазиб олинади. 2001 йили Маржонбулоқ ва Зармитан конларининг қазиб олиш қуввати 33,6 ва 34,6 %га, Маржонбулоқдаги конлардан қазиб олинган рудалар қайта ишланиб, олтин чиқариш фабрикасининг қуввати 44,3 %га етказилди[8]. Маржонбулоқ ва Зармитан олтин конлари НКМК таркибига киритилганидан кейин, бу конларни лойиҳада белгиланган қувватига етказиш учун зарур чора-тадбирлар қўлланилди. Бу вақтга келиб 13 та кон олтин қазиб олинган конларнинг асосий хом ашё базаси бўлиб қолди. Бу республикада қидириб топилган олтин захираларининг 85 % га яқинини ташкил этар эди[9].

Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 майдаги қарори билан “Қизилқумнодирметаллолтин” давлат концерни тугатилиб, унинг таркибида бўлган корхоналар НКМК ихтиёрига ўтказилди. Натижада НКМК Марказий Қизилқумда жойлашган қазилма бойликларни ўзлаштиришга ихтисослаштирилган кўп қамровли қудратли саноат комплексига айланди. Унинг бўлимлари Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳудудларида жойлашган. Соҳани ривожлантириш комбинатнинг долзарб масаласи бўлиб қолди. 2011 йили ишлаб чиқарилган барча олтиннинг 15 % ГМЗ-3 зиммасига тўғри келди[10].

2009 йили Зармитан олтин кони базасида олтин қазиб олиш комплексининг қурилиши бошланди. Бу зарбдор объектнинг қурилишида НКМК нинг барча корхоналаридан юборилган қурувчилар иштирок этди. Кенг жамоатчилик ташаббуси билан бошланган қурилиш ишларининг самараси сифатида 11 ойда № 4 Гидрометаллургия заводи (ГМЗ-4) нинг бир млн. тонна рудани қайта ишлашга қодир бўлган биринчи навбати, 2012 йили эса иккинчи навбати ишга туширилди. ГМЗ-4 мустақиллик йилларида республикада қурилган иккинчи гидрометаллургия заводи бўлиб, 2013 йили у тўла қувват билан ишга туширилди ва йилига 1,8 млн. тонна рудани қайта ишлай бошлади[11].

ГМЗ-4 Чормитан ва Ғужумсой конларидан қазиб олинган рудаларни қайта ишлашга мўлжалланган. У ҳар йили 250-300 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ерда 4500 киши ишлайди, уларнинг 60% ини республикамизнинг

ўрта-махсус ва олий ўқув юртларини битирган ёшлар ташкил қилади[11]. Завод ривожланаётган корхона сифатида мунтазам суръатда ишлаб чиқариш қувватини ошириш имкониятига эга бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда қурилиш материаллари, жумладан, цементга бўлган эҳтиёж ошиб борди. СССР парчаланиб кетгач, собиқ иттифоқдош республикалар, хусусан, Россия ва Украина билан алоқалар тўхтаб қолгач, Навоий цемент заводининг иш тартибида узилишлар бошланди. Оқибатда, корхона фаолиятида қатор муаммолар юзага келиб, ишлаб чиқариш пасая борди. Бошқа корхоналарда бўлгани каби, Навоий цемент заводи жамоаси учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш осон кечмади. Завод раҳбарияти ишлаб чиқаришни жонлантириш мақсадида тажриба алмашиш, янги технологияларни жалб қилиш ва тажриба алмашиш учун ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга эътиборини қаратди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Санакулов К.С. Вклад Навоийского комбината в региональное развитие и социальную стабильность // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2008. № 2/33.. –С. 3.
2. Навоий ВДА, 100-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 23-варақ.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.109-114.
4. Кучерский Н.И. Стратегия развития производства в Навоийском горно-металлургическом комбинате // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2002. № 2/9. -С. 7.
5. Навоийский горно-металлургический комбинат. –Ташкент: Шарк, 2002. – С. 278
6. Юксалиш йўлида (НКМК 60 ёшда). –Тошкент: MASHHUR-PRESS, 2018. – Б 31.
7. Навоийский горно-металлургический комбинат. –Ташкент: Шарк, 2002. –С. 278.
8. Кучерский Н.И. Стратегия развития производства в Навоийском горно-металлургическом комбинате // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2002. № 2/9. –С. 7.
9. Санакулов К.С. Вклад Навоийского комбината в региональное развитие и социальную стабильность // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2008. № 2/33. –С. 4
10. Санакулов К.С. Инновационный прорыв Навоийского горно-металлургического комбината за двадцатилетие независимости Узбекистана // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2011. № 45. –С. 5.
11. Ризаев С.Р. Государство и горно-металлургическая отрасль Узбекистана: гармония интересов, эффективное партнерство // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, 2017. № 4/71. –С. 103.